
ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Бугун ҳам фуқаролар қабули ўтказилди.

«Қабулда туман ҳоқими, туман ҳоқимининг тегишли ўринбосарлари корхона ва ташкилотлар, давлат ва тижорат банклари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«Шу куни қабулда туманнинг барча маҳаллаларидан келган 15 нафардан ортиқ фуқаролар томонидан билдирилган турли йўналишдаги масалалар ҳар томонлама кўриб чиқилди.

«Раҳбарлар ҳар бир мурожаатчининг масаласини тегишлилиги бўйича масъуллар иштирокида бирма-бир тингладилар.

«Шу куни қатор мурожаатлар қабул чоғидаёқ ижобий ечимини топди. Қолган ҳар бир мурожаат ҳам тааллуқлиги бўйича кўриб чиқилди. Қонуний ечимга эга бўлмаган масалаларга эса жойнинг ўзида жавоб қайтарилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Муддат талаб этадиган муаммолар ўрганилиб, тегишли тартибда чора-тадбирлар белгиланадиган бўлди.

© Фурқат тумани ҳоқимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-08-18 17:49:09